

5.1. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини ётишни кафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олинганда "Истеъмолчи" уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. "Таъминотчи" нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. "Таъминотчи" нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда "Истеъмолчи"га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

6.4. "Истеъмолчи" белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олинган сабабсиз бош тортганлиги учун "Таъминотчи"га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. "Истеъмолчи"ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлик амал қилинишига жавобгардир.

6.6. "Истеъмолчи"етказиб берилган нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар. томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулоқда ва муайян шароитларда олднинг олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда ҳақ низолар белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.